




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



PROSPECTS FOR IMPROVING CRIMINAL PROCEDURAL ACTIVITIES RELATED TO THE ELIMINATION OF THE CAUSES OF THE CRIME AND THE CONDITIONS THAT ALLOWED IT TO BE COMMITTED

Dilshod Nadjimovich Fayziev

Master's student

*Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Determining and eliminating the causes and circumstances of a crime, the subject of proof, subjects authorized to make representations in the criminal proceedings.

Received: 16.06.24

Accepted: 18.06.24

Published: 20.06.24

Abstract: In this article, it is justified that the issues related to the determination and elimination of the causes of the crime and the conditions that made it possible during the conduct of the criminal case should be regulated strictly within the framework of the Criminal Procedural Code, and not by documents such as inter-departmental instructions.

Also, based on the analysis of the problems in the investigative practice, according to article 82 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, the inclusion of "the cause of the crime and the conditions that allowed it to be committed" among the cases that are required to be proven in order to send the case to court with an indictment and an indictment and issue a guilty verdict is in this direction comments on the procedural solution are given.

At the same time, the article examines the factors affecting the effectiveness and efficiency of the submissions made in order to prevent the causes of the crime and the conditions that allowed it to be committed.

**ЖИНОЯТНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН
БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЙ-ПРОЦЕССУАЛ ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Дильшод Наджимович Файзиев

Магистратура талабаси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Жиноят сабаблари ва шароитлари аниқлаш ҳамда бартараф этиш, исботлаш предмети, жиноят процессида тақдимнома киритишга ваколатли субъектлар.

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят ишини юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга алоқадор масалалар идоралараро кўрсатмалар тусдаги хужжатлар билан эмас, балки қатъий Жиноят-процессуал кодекси доирасида тартибга солиниши лозимлиги асослантирилган.

Шунингдек, тергов амалиётида муаммолар таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасига қўра, ишни айблов далолатномаси ва айблов хулосаси билан судга юбориш ҳамда айблов хукми чиқариш учун исботланиши талаб этиладиган ҳолатлар қаторига “жиноят сабаби ва унинг содир этилишига имкон берган шароитлар”нинг киритиш бу йўналишда процессуал ечим бўлишига доир мулоҳазалар келтирилган.

Шу билан бирга, мақолада жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини олдини олиш борасида киритилаётган тақдимномаларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар кўриб чиқилган.

**ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, СВЯЗАННОЙ С УСТРАНЕНИЕМ ПРИЧИН ПРЕСТУПЛЕНИЯ
И УСЛОВИЙ, ПОЗВОЛИВШИХ ЕГО СОВЕРШИТЬ**

Дильшод Наджимович Файзиев

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Устанавливающие и устраняющие причины и обстоятельства преступления, предмет доказывания, установлением и устранением причин

Аннотация: В данной статье обосновано, что вопросы, связанные с преступлениями, предметом доказывания, установлением и устранением причин

субъекты, уполномоченные давать представления в уголовном процессе.

преступления и условий, сделавших это возможным при производстве уголовного дела, должны регулироваться строго в рамках Уголовно-процессуального кодекса, и а не документами типа межведомственных указаний.

Также на основе анализа проблем в следственной практике, согласно статье 82 УК Республики Узбекистан, в число дел включено «причина преступления и условия, позволившие его совершить», которые необходимо доказать для направления дела в суд с обвинительным заключением и обвинительным заключением и вынесения обвинительного приговора, в этом направлении даются комментарии к процессуальному решению.

При этом в статье рассматриваются факторы, влияющие на эффективность и действенность представлений, внесенных в целях предотвращения причин преступления и условий, позволивших его совершить.

КИРИШ

Мамлакатда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида нечоғли кенг қамровли чора-тадбирлар қўлланилмас экан, бу фаолиятнинг хуқуқий асослари тегишли қонун хужжатларида ўзининг аксини топиб, тўлақонли амалга ошмаса, қўлланилаётган тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритиш ўзининг юзакилигини сақлаб қолади.

Чунки, жиноятчиликни олдини олиш, хусусан, жиноят сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш тегишли қонунчиликда акс этиб, унда уларни амалга ошириш механизмни аниқ кўзда тутилган бўлсагина, бу процессуал тадбирдан кўзланган якуний натижага эришиш мумкин.

Акс ҳолда, жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш номигагина бўлиб қолиб, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти унга қарши курашишдан иборат бўлиб қолади.

Бу эса, давлатнинг хукуқни муҳофаза қилиш фаолияти учун кўзда тутган ресурсларидан оқилона фойдаланилмасликни келтириб чиқаради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жиноятчиликни олдини олиш фаолиятининг хукуқий асослари ҳисобланган хукуқий нормаларнинг турли қонун хужжатлари ўртасида тарқоқ келтирилганлиги жиноятчиликни

олдини олиш фаолияти субъектларининг ҳамжиҳатликда самарали фаолият юритишига тўсқинлик қиласди.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органларининг нафақат содир этилган жиноятга нисбатан процессуал қонунчилик доирасидаги муносабати, балки унинг сабаблари ва шароитларини жиноят-процессуал механизм доирасида аниқлаш ва бартараф қилишга доир процессуал фаолият қатъиятли амалга оширилишини таъминлаш жиноятчиликни олдини олиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб хисобланиши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағищланган парламент ва ҳукумат аъзолари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак.”, деб таъкидлаган эдилар.

Жиноят сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш жиноят-процессуал қонунчиликда аҳамияти жиҳатидан мухим процессуал ҳаракатлар мажмуи ҳисобланиб, унинг амалга оширишнинг жиноят-процессуал тартиби тўғрисида фикр юритиш учун аввалом бор, уни амалга оширишга ваколатли мансабдор шахслар ва органларнинг ва уларга қонун билан юклатилган процессуал функцияларга тўхталиш жоиз бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг президентлик фаолияти мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳукукий ҳаётида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар даври билан бошланиб, бу янгиликлар жиноий судлов соҳасини ҳам четлаб ўтмади.

“Инсон қадри учун” тамойили билан йўғрилган янгиликлар ва ўзгаришлар жиноят процессида процессуал вазифаларни бажаришда инсоннинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтаришга қаратилди.

Жумладан, “Янги Ўзбекистон” қурилиши даврида жиноят-процессуал қонунчиликка кўплаб ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, хусусан, дастлабки тергов институтини

тартибга солувчи нормалар терговга қадар текшириш, ишни судга қадар юритиш тушунчалари билан бойитилди.

Жиноят-процессуал кодекси “Ишни судга қадар юритишнинг умумий шартлари” деб номланган 40¹-боб билан тўлдирилиб, унда ишни судга қадар юритиш шакллари, терговга қадар текширув, суриштирув ва жиноят ишини тергов қилиш сингари процессуал фаолият турларига ҳукуқий таъриф берилди.

ЖПКнинг 320¹-моддасига кўра, ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексга янгилик сифатида киритилган терговга қадар текширув процессуал фаолиятига берилган таърифга, кўра у жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва хужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади.

Терговга қадар текширув ЖПКнинг 39¹-моддасида кўрсатилган органлар томонидан ушбу Кодекснинг 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши белгиланиб қўйилди.

Бундан ташқари, терговга қадар текширувни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкинлигининг белгиланиши, мазкур процессуал фаолият субъектлари доирасини кенгайтирди.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчиликда илк бор, жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилиши, суриштирувни судга қадар иш юритиш босқичида терговнинг мустақил шакли сифатида мавқенини кўтарди.

Суриштирув ва дастлабки тергов кўринишидаги процессуал фаолиятнинг чегаралари белгиланиб, улар Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддаси иккинчи - еттинчи қисмларида назарда тутилган жиноят ишлари бўйича, шунингдек ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ўтказилиши, суриштирувнинг эса Кодекснинг 381²-моддаси биринчи - учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлари бўйича ўтказилишининг қатъий белгилаб қўйилиши билан изоҳланди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг 381⁵-моддасига мувофиқ, тергови суриштирув шаклида ўтказиладиган жиноят ишлари терговнинг ҳар томонлама, холисона ва тўла ўтказилишини таъминлаш мақсадида ушбу прокурорнинг асослантирилган

қарорига кўра дастлабки тергов олиб бориш учун топширилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланиб кўйилди.

Шу тариқа, жиноий судлов иш юритишни амалга оширишга ваколатли субъектлар доираси терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор ва суриштирувчи киритилиши билан кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида ишни айлов хулосаси ёки айлов далолатномаси билан судга юбориш учун исботланиши мажбурий бўлган ҳолатлар қаторига жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари киритилган.

Бунда жиноят иши бўйича шахсга айб эълон қилишда жиноят таркиби субъектив томонининг элементлари тўғрисида гап бориб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал мажбурияти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 85-моддаси исбот қилиш деганда ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат эканлигини эътиборга олиб, ЖПКнинг 82-моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг субъектив томони элементи сифатида жиноят сабаби исботлаш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксперимент үтказиш, экспертиза тадқиқотларини үтказиш учун намуналар олиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирав тадбирларини үтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бироқ, ЖПКнинг 82-моддасида исботланиши талаб қилинган жиноят таркиби субъектив томонининг элементи саналган жиноят сабаби деганда шу жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий салбий ҳодиса сифатида эмас, балки жиноят субъекти томонидан айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бошланишига туртки бўлган индивидуал муносабати назарда тутилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 384-моддасида айлов хулосаси ёки айлов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар қаторига жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган

шарт-шароитлар аниқланган-аниқланмаганлигини ҳамда уларга барҳам бериш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини прокурор томонидан текширилиши шартлиги белгиланган.

Бироқ, юқорида келтирилганидек, ЖПКнинг 82-моддаси ва 382-моддасида назарда тутилган жиноят сабаби тушунчалари мазмун жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилмасада, бироқ, бу тушунчаларнинг қўлланилиши мақсадига кўра бошқа масалаларни ҳал қилишга қаратилганлигини яққол кўриниб туради.

Жиноят-процессуал қонунчиликдаги айнан шундай ҳолат жиноят иши бўйича судга қадар иш юритув босқичида жиноятни фош қилиш, айборларни жавобгарликка тортишнинг муқаррарлиги тамойилини рўёбга чиқариш билан бир қаторда жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларга ва бунга имкон берган шарт-шароитнинг тенг мақомли исботлаш предметига айлана олмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Суд-тергов амалиётида жиноят иши бўйича иш юритишни амалга оширишга масъул бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг терговга қадар текширув, суриштирув, терговни амалга ошириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказиш чоғида жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни исботлаш предметига айлантиришга бўлган уринишлар бўлиб, идоралараро тусдаги хуқуқий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этиш орқали амалга оширилган.

Хусусан, 03.01.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Давлат божхона қўмитасининг “Жиноят иши юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қўшма қўрсатмаси қабул қилиниб, унинг зарурати ҳужжатнинг кириш қисмида “фаолиятда жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш билан чекланилиб, жиноят келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни ўрганиш, уларни амалда бартараф этиш айрим ҳолларда эътибордан четда қолаётганлиги, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш борасидаги фаолиятни кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бу борадаги нормаларини аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва ягона суд-тергов амалиётини шакллантириш” билан изоҳланган.

Қўшма қўрсатманинг 1-бандига кўра, жиноят ишларини айблов хulosаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ҳамда айблилик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш ёхуд жиноят иши қўзгатишни рад қилишда ЖПКнинг 82, 548, 566-моддаларида кўрсатилган ҳолатларни исботлаш билан бирга, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича далилларни тўплаш

терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув ва тергов органларининг мажбурияти эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу боис, хужжатнинг 3-бандида жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари тўлиқ аниқланиши ва уларни амалда бартараф этилиши, жиноятга сабаб бўлган тизимли камчиликлар аниқланиши, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилиши, амалий чоралар кўрилиши, жумладан, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, уларнинг оиласида юзага келган ҳаётий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши, тайёргарлик кўрилаётган жиноятнинг олди олиниши, содир этилаётган жиноятга барҳам берилиши ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортилиши, хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилиши, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлиги тўлиқ таъминланишига эришилиши жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тергов ва тезкор-қидирув тадбирларининг пировард натижаси сифатида белгиланган.

Шундай бўлсада, танлов асосида ўрганиб чиқилган жиноят ишлари бўйича жиноят сабаблари ва шароитларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларнинг 3,5 фоизи бўйича шу жиноятларни олдини олишга масъул бўлган тегишли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи кўриб чиқиш сўралганлиги тергов амалиётида жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида жиноят сабаби ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароит тўлақонли равищда исботлаш преметига айланмаганлигига гувоҳ бўлишмиз мумкин.

Хужжатнинг давомида кўрсатилган вазифаларни бажариш учун терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд олдида жиноят ишлари бўйича терговни режалаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, жиноятларни алоҳида турлари бўйича дастлабки тергов амалга оширишда жиноят содир этилишига сабаб бўлган криминоген омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган талаблар мужассамлаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда судлар олдига жиноят содир этилишини барвақт олдини олиш, фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар қўйилаётган бир пайтда жиноят иши бўйича иш юритишни амалга оширишга масъул бўлган органлар ва мансабдор шахслар томонидан жиноят-процессуал қонунчилигига белгиланган ваколатлардан етарли фойдаланилмаётганлиги, жиноятнинг туб сабабларини аниқлаш ва бартараф этишга комплекс ёндашилмаётганлиги билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш мақсадини кўзлаган хужжат ўз вақтида қабул қилинган дейишга тўла асослар бор.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаст Жиноят-процессуал кодексининг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси худудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланиши, жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурий эканлигининг кўрсатилиши, жиноий судловга доир иш юритув ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти доирасидан ташқаридан субъектларларга ҳам татбиқ этилишини англатади.

Бизнингча, қўшма кўрсатмада қўйилган талаблар Жиноят-процессуал кодекснинг тегишли моддаларида ўз аксини топиши нафақат қўзланган мақсадга эришишни енгиллаштиради, балки жиноят сабаби ва шароитларини олдини олиш ва бартараф қилишга доир нормаларнинг жиноят процесси барча иштирокчилари учун бир хилда ижро этилишини таъминлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Шу боис, профессор Казанджан М.А. “Исботлаш предметини ташкил қилувчи ҳолатлар қаторига жиноятни келтириб чиқарган сабабларнинг бевосита киритилмаганлиги, бизнингча, жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлашга нисбатан анча суст талабга йўл қўйилиши мумкинлиги ҳамда йўл қўйилиши тўғрисидаги фикрнинг кўпгина ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларида шаклланилганлигини тушунтириш мумкин.

Терговчиларнинг, суриштирув органларининг ҳамда судларнинг криминоген омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишда бўлган ўрни ва масъулиятини ошириш йўлида, РСФСР ЖПК 68-моддасидаги исботланиши талаб этиладиган ҳолатлар доираси “жиноят содир этилишига имкон берган ҳолатлар” билан тўлдирилгани сингари, криминоген омилларни исботлаш предметига киритишни талаб қиласи ”, деган фикрни илгари сурган.

Тадқиқот доирасида ўрганиб чиқилган жиноят иши ҳужжатларига кўра, улар бўйича қабул қилинган шахснинг айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорларнинг 51,6 фоизида тергов давомида аниқланган жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитлар кўрсатиб берилган.

Олимнинг фикрини қувватлаган ҳолда, суд-тергов амалиётида жиноятчиликни олдини олиш вазифасининг амалда бажарилишини таъминлаш, соҳадаги амалиётчи ходимларнинг қарашларида криминоген омилларни аниқлашга қаратилган лаёқатни кучайтириш, жиноятнинг туб илдизини кўра билишга бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш мақсадида ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун исботланиши талаб этиладиган масалаларни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасини қуйидаги

мазмундаги 6-банд билан тўлдириш бу масаланинг ечимига туртки бўлади, деб ҳисоблаймиз:

“Жиноятни келтириб чиқарган сабаблар ва бунга имкон берган шарт-шароитлар.”

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 6-бўлими жиноятларни олдини олиш чораларига бағишланиб, унда жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини олдини олиш борасида жиноят-процессуал механизм кўзда тутилган.

Мазкур бўлим Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси амалга киритилгандан пайтдан бери янгиланмасдан, илк таҳрири кўринишида амал қилиб келмоқда.

Бироқ, ушбу нормалар салкам 30 йилдан бери амал қилаётган бўлсада, тобора такомиллашиб бораётган жиноий судлов иш юритув соҳасига тааллукли муносабатлар тартибга солиш талабига жавоб беради дейишга етарли асослар йўқ деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодекснинг 296-моддасида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти ҳақида нормалар жамланиб, унга жиноят ишларини юритишида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт, деб белгиланган.

Танлов асосида ўрганилган жиноят ишлари хужжатларига кўра, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномалар ишни тергов қилган суриштирувчи, терговчи, улар бўйича тузилган айлов далолатномаси ёки айлов хулосасини тасдиқлаган прокурор, шунингдек, тергов тармоғининг раҳбарлари (ишларнинг 40 фоизи бўйича) томонидан ваколатли идора ёки мансабдор шахсга чора кўриш учун киритилган.

Шу билан бирга, юқорида баён қилинган жиноят-процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, жиноят ишини юритишига масъул бўлган ваколатли субъектлар доираси терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли мансабдор шахс ҳисобидан кенгайтирилган бўлсада, бу янгилик келтирилган модда ўз аксини топмаган.

Ваҳоланки, Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддасининг биринчи қисмига кўра, ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3 - 8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси жиноят ишини қўзғатишини рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, жиноят

содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади.

Яъни, жиноят иши қўзғатилмасдан туриб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси жиноий ходиса юз берганлиги факти билан дуч келади, шу сабабли, унинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароит хусусида бунга ваколатли идорага муносабат билдириш мажбуриятидан, мантиқан олганда, озод бўлмайди.

Эътиборлиси, 03.01.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Давлат божхона қўмитасининг “Жиноят иши юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қўшма кўрсатмасининг 11-бандида “иши судга қадар юритиш босқичида жиноятнинг сабаб ва шароитлари, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга айнан шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимномалар киритилиши таъминланиши, бундай тақдимномалар терговга қадар текширув якунига кўра ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисмининг 1-3, 6-8-бандларига мувофиқ жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолатларда ҳам киритилиши белгиланган.

Шу сабабли, ЖПКнинг 296-моддасида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уларда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашга мажбуриятли бўлган субъектлар доираси “терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси” тушунчаси билан тўлдириши керак.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодекснинг 297-моддасида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан киритиладиган тақдимнома ҳақида сўз юритилиб, бу таҳрирда ҳам тақдимнома киритадиган субъектлар доирасига “терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси” жалб қилинмаганлигини кўришимиз мумкин, шу сабабли қонун чиқарувчи томонидан модданинг таҳрири тузатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур моддада белгиланган қоидага кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат организга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш организга, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади ва тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади, деб белгиланган.

Илмий тадқиқот доирасида ўрганиб чиқилган жиноят ишлари бўйича жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар мансабдор шахслари томонидан киритилган жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш ҳақидаги тақдимномаларнинг 31,6 фоизи жиноят содир қилган шахсларнинг яшаш жойлари бўйича, 8,3 фоизи содир қилинган жиноятни олдини олишга ваколатли бўлган ташкилот, корхона ва муассасаларга, қолганлари фуқароларнинг меҳнат жамоалари ва ўқиш жойларига киритилган.

Таъкидлаш жоизки, Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши белгилаб қўйилиб, жиноят иши суриштирув якунига қўра айблов далолатномаси билан тамомланишига йўл қўйилади.

Шу сабабли, мазкур модда таҳририни Жиноят-процессуал кодекси талабларига мувофиқлаштириш мақсадида “жиноят ишини тергов қилиш чоғида” деган сўзларни “терговга қадар текширув, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки тергов чоғида” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, терговга қадар текширув, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговда аниқланган жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароит хусусида сўз борар экан, бунга масъул процессуал ваколатли мансабдор шахслар жиноятни содир қилган шахсни ўрганиш, у томонидан жиноят содир этилаётган пайтда мавжуд омилларни таҳлил қилар экан, бу процессуал тадбирдан биргина мақсад қўзланади, яъни жиноят сабаблари ва шарт-шароитлари акс этган тақдимнома айнан ваколатли субъект томонидан кўриб чиқилиши керак бўлади.

Тақдимнома кўриб чиқишига субъектлар “ваколатлиги” ҳақида фикр юритар эканмиз, бу изоҳнинг жиноятни олдини олиш билан боғлиқ жиноят-процессуал фаолиятда аҳамияти қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

биринчидан, жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларнинг тафсилотлари баён қилинган тақдимнома шу жиноят содир қилинган муайян соҳа ва йўналишга дахлдор субъект томонидан кўриб чиқилиши керак бўлади. Дейлик, қурилиш соҳаси билан боғлиқ жиноятлар қурилиш соҳасида фаолият олиб борувчи ташкилот ёки муассаса томонидан кўриб чиқилиши жиноятнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароит хусусида тушунган ҳолда мулоҳаза қилиш имконини беради;

иккинчидан, жиноят сабаблари ва шарт-шароитлари хусусида тузилган тақдимнома шунга ўхшаш жиноятларни тақроран содир этилишини олдини олишга чора-тадбирлар белгилашга масъул бўлган ташкилот, муассаса ва корхонага қаратилган бўлиши лозимдир. Чунки, муайян соҳа ва йўналишни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужатларда шу соҳа

ва йўналишдаги фаолиятни янада яхшилаш ва такомиллаштиришга масъул бўлган тузилмалар барча давлат органлари, ташкилот ва муассасаларда мавжуд бўлади;

учинчидан, жиноят сабаблари ва шарт-шароитлари баён қилинган тақдимнома нафакат жиноят содир қилган шахс бўйича мулоҳаза юритиши, балки шу жиноятни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кўришга масъул мансабдор шахс томонидан ўзига юклатилган вазифалар ва функциялар нечоғли тўғри ҳамда самарали бажарилганлигига идоравий баҳо бериш, масъул шахснинг ҳаракатларида интизомий хукуқбузарлик аниқланган тақдирда унга меҳнат қонунчилигига назарда тутилган хукукий таъсир чораларни кўришга ваколатли тегишли давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир;

тўртинчидан, жиноят ишини юритишига масъул бўлган орган ва унинг мансабдор шахси процессуал жиҳатдан нечоғли ваколатли бўлишига қарамасдан, тергов терговга қадар текширув, жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговда аниқлаган жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитни бартараф этиш учун бундай чораларни кўришга ҳақли бўлган давлат органи, корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахсларга юбориши тайиндир, зеро, ўз фаолиятида аниқланган қонунбузишилардан ташқари бошқаларига муносабат билдириш унинг таъсир доирасидан четга чиқадиган ҳолат ҳисобланади.

Келтирилган қарашларга кўра, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаган суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан тайёрланган тақдимнома ҳар қандай идора ва тузилмага эмас, балки тақдимнома бажарилиши шарт чора-тадбирларни қўллашга ваколатли ва масъул тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга киритилиши лозим деган маъно-мазмунни қамраб олган таҳририй ўзгартиришлар Жиноят-процессуал кодекснинг 297-моддасида назарда тутилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Шуни қайд этиш керакки, жиноят-процессуал кодекс талабига кўра, жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитни аниқлаш вазифаси нафакат терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади, балки жиноят ишини мазмунан кўриб чиқаётган судга ҳам бу борада муаяйн процессуал мажбуриятлар юклайди.

Айнан шу сабабли, Жиноят-процессуал кодекснинг 298-моддаси жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат

бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиши ҳақида норма кўзда тутилган.

Мазкур норманинг аҳамиятли жиҳати шундаки, жиноят ишини мазмунан кўриб чиқаётган суд жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлари хусусидаги тақдимномада ишни судга қадар юритишга масъул бўлган органлар фикридан кўра бўлак мулоҳаза юритишга ҳақли эканлиги англашилади.

Чунки, суд айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келиб тушган жиноят ишини мазмунан кўриб чиқаётган экан, жиноят-процессуал қонун талабига айблов мазмуни ўзгартиришга ҳақли эканлиги қайд қилинган.

Албатта, хусусий ажримда тақдимномада кўрсатилганидек, жиноят сабаби ва бунга имкон берган шарт-шароит таҳлил қилинап экан, тақдимномада баён қилинган тафсилотлар суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Танлов асосида ўрганилган жиноят иши хужжатларига кўра, жиноят ишини юритишга масъул орган мансабдор шахслари томонидан тайёрланган тақдимномаларнинг 36,6 фоизида жиноят тафсилотлари тўлиғича келтирилган.

Шу сабабли, хусусий ажрим суд томонидан қабул қилинадиган процессуал хужжат сифатида мазмуни жиҳатидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг тақдимномасида қўйилган талабдан фарқ қилиши мумкин.

Амалиётда ва назарий жиҳатдан юзага келиши эҳтимолни эътиборга олиб, жиноят ишини мазмунан кўриб чиқсан суднинг жиноят сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш хусусидаги ажрими тақдимномадан кўра фарқли бўлиб, аксинча унда келтирилган талабларни суд терговида аниқланган ҳолатларга кўра инкор қиласа, суд томонидан тақдимнома ва унинг ҳуқуқий оқибатларига муносабат билдириш долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Шу сабабли, назаримизда, жиноят ишини мазмунан кўриб чиқсан судга жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароит хусусида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов якунига кўра киритилган тақдимномани бекор қилиш, чақириб олиш масаласида ваколатли прокурорга мурожаат қилишни назарда тутувчи кўшимча ваколат бериш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Албатта, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома ёки хусусий ажримнинг самарадорлиги ҳақида гапирап эканмиз, мазкур процессуал хужжатлар юборилган тегишли

субъектларнинг улар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларига боғлик бўлиб саналади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 299-моддасида тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбурияти ҳақида фикр юритилиб, унга кўра давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс тақдимнома ва хусусий ажрим хусусида зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни ёки судни хабардор қилиши шарт деган норма белгилаб қўйилган, акс ҳолда тақдимнома ёки хусусий ажрим бажарилмаган ёки вижданан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши қатъий кўрсатилган.

Тақдимнома ва хусусий ажримларнинг кўриб чиқилиши муддатлари тўғрисида фикр юритилар экан, таъкидлаш жоизки, бу масала ҳам суд-тергов амалиётининг жорий ҳолатидан келиб чиқиб қайтадан кўриб чиқилиши шарт.

Жиноят содир бўлган факти уни юритишга масъул бўлган органлар мансабдор шахсларига жиноят содир қилган айбдор шахсларни аниқлаш, уларга жавобгарликнинг ва жазонинг муқарралигини таъминлаш билан бир қаторда давом жиноятни содир этилишига йўл қўймаслик бўйича барча зарур чораларини кўришни тақозо қиласди.

Шунга асосан, жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома ва суднинг бу масаладаги хусусий ажримини кўриб чиқиши натижаси тўғрисидаги хабар беришнинг муддатидан ташқари ушбу процессуал хужжатлар қанча вақтда кўриб чиқишига киришилиши зарур бўлган процессуал муддатлар ҳам бу моддада кўзда тутилиши керак.

Масалан, бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши учун шарт-шароит яратиб берган тегишли вазирликнинг бюджет маблағларини тасарруф этиш доир идоравий ҳуқуқий ҳужжатида бўшлиқ дарҳол вазирлик ваколати доирасида бартараф этилмас экан, юқоридаги моддада кўзда тутилган бир ойлик муддат ичида худди шу масалада мамлакатнинг бошқа худудларида ҳам жиноят содир қилинмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Фикримизча, жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитни бартараф қилиш хусусида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор тақдимномаси ва суднинг хусусий ажрими уларда кўрсатилган чора-тадбирларни кўришга ваколатли бўлган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахсга келиб тушгандан бошлаб дарҳол кўриб чиқилиши, уларни кўриб чиқиши натижасига кўра кўрилган

чоралар тўғрисида эса бир ойлик муддат ичида хабардор қилиш керак деган мазмундаги тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар Жиноят-процессуал кодексининг 299-моддасида назарда тутилиши керак.

Шу ўринда, эътибордан четда қодирмаслигимиз керакки, жиноят-процессуал қонунчиликда жиноий таъқибни олиб боришга ваколатли бўлган терговга қадар текширувни олиб боришга ваколатли мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд олдида жиноят-процессуал вазифаларни амалга ошириш жамоатчилик иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу асосан, фуқаролар, жамоат ташкилотлари, меҳнат ва ўкув жамоларини жиноят судлов юритиш чоғида юзага келган турли масалаларни ҳал қилишда кенг жалб қилиш зарурати билан изоҳланади.

Жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилган ҳар қандай процессуал тадбир нафакат ўзининг самарадорлигини кўрсатади, балки шу тадбирнинг амалга оширишдан кўзланган мақсадларга эришишни анча енгиллаштиради.

Шу боис, Жиноят-процессуал кодексининг 300-моддасида фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарган тақдирда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор — тақдимнома, суд эса, хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкинлиги ҳақидаги норма кўзда тутилган.

Жиноят иши бўйича суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчининг жиноят сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитни бартараф этиш билан боғлиқ вазифаси қонуний ва асослантирилган тақдимномани унда кўзда тутилган чора-тадбирлар ижро қилишга ваколатли субъектга киритиш ва унинг ижроси тўғрисида хабарномани олиш билан якунлансада, бироқ, суд-тергов амалиётининг жиноят процессида жиноят сабаби ва шароитини бартараф этишга процессуал ваколатли мансабдор шахсларнинг бу чоралари ўзининг самарадорлигини кўрсатаяпти деб айта олмаймиз.

Чунки, гарчанд терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида жиноят сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномада муайян жиноятга содир этилишига туртки бўлган криминоген омиллар таҳлилдан ўтказилиб, уларга тегишли муносабат билдириш тўғрисида талаблар кўйилган бўлсада, уларнинг ҳақиқатда ижро этилиши уларнинг самарадорлигини белгиловчи энг асосий мезон бўлиб ҳисобланади, янада аниқроқ айтиладиган бўлса, текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида аниқланган жиноят сабаби ва унга имкон берган шарт-шароит муқаррар тарзда бартараф этилган бўлиши керак.

Чунки, юриспруденциянинг “ҳар қандай қонун ўзининг ижроси билан самаралигини кўрсатади” деган олтин қоида жиноят сабаблари ва шароитлари бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларга ҳам тадбиқ этилиб, унинг ижросига доир маълумотларга эга бўлмасдан туриб, жиноят содир этилишига олиб келган омиллар тўлиғича бартараф этилди деб айта олмаймиз.

Шу сабабли, профессор Зеленецкий В.С.нинг фикрича, терговчининг тақдимномадаги талабларга рўёбга чиқарилишига қаратилган фаолиятини “тақдимномани ижрога қаратиш” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга қайд этиш зарурки, жиноят процессидаги ваколатли мансабдор шахснинг жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномада кўрсатилган криминоген омилларни ҳақиқатда бартараф этиш бўйича фаолияти жиноят-процессуал қонунчиликда тартибга солинмаганлиги сабабли бундай фаолиятни процессуал фаолият деб аташ мумкин эмас.

Шу сабабли, суд-тергов амалиётида бу фаолиятни йўлга кўйиш борасида бир неча хил ёндашув мавжудлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Масалан, айрим терговчилар жиноят сабаблари ва шарт-шароитлари тўғрисидаги тақдимноманинг ижро этилганлиги ҳақидаги ваколатли идорадан хабар олиш билан чекланса, бошқалари, улар ишлаётган худудий прокуратура органлари фаолиятида йўл кўйилган амалиётдан келиб чиқиб, тақдимнома мухокамасида иштирок этиш, унинг мухокамаси давомида зарур чора-тадбирларни белгилаш ва керак бўлса, мухокама давомида жиноят содир этилишига олиб келган янги ҳолат аниқланган тақдирда бунга муносабат билдириш ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар.

Бу борада айнан қайси йўналишда иш тутаётган терговчининг жиноят сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида киритган тақдимномаси самара бера деб айта олмаймиз.

Чунки, тан олиб айтишимиз керакки, бундай тақдимномалар тайёрлаш, уларнинг мазмунига доир қўйиладиган талаблар, тақдимномаларнинг тузилиши, ҳар бир қисмида ёритиладиган масалалар ҳамда резолютив қисмидаги терговчи томонидан қўйиладиган чора-тадбирлар доир талаблар Жиноят-процессуал кодексда назарда тутилмаган.

Шу сабабли, бизнингча, жиноят сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароит тўғрисида тақдимнома ва хусусий ажримлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги лозим даражада бўлмасдан, айрим ҳолларда номигагина тақдимнома киритиш тизимли амалиёт тусини олмоқда.

Кўпгина тақдимномаларда, бу процессуал ҳужжат юборилган корхона ёки муассасасанинг у ёки бу ходими жиноят содир қилганлиги ёки унга дахлдорлигига доир

тафсилотларни келтириш билан чекланилиб, жиноят содир этилишига олиб келган ҳолатлар тўғрисида умуман фикр юритилмаган.

Мазкур тадқиқот доирасида, Тошкент вилоят ички ишлар органлар тизимида тергов қилинган 60 дан зиёд жиноят ишлари хужжатлари танлов асосида ўрганиб чиқилганда, суриштуб ёки терговнинг якуни натижасида тузилган тақдимномаларнинг 36,6 фоизида жиноят содир этилишига доир келтирилган тафсилотларда жиноят сабаби ва шароитлари таҳлил қилинмаган.

Бежизга профессор Зеленецкий В.С., “бу фаолиятнинг мақсадли бўлиши учун жиноят содир этилишига имкон берган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган барча чораларни, аввало, илм-фан ва техника энг сўнгги ютуқлари, зарур ҳолларда инсоният билимларининг муайян соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш керак, аниқланган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар битта орган ўзининг компетенцияси доирасида ва унинг фаолиятига хос бўлган методлар орқали ҳаётга тадбиқ этади.”

Олимнинг таъкидлашича, терговчининг тақдимномасини ижро этилишини қўйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

- 1) тақдимноманинг жиноят содир қилган шахснинг онгидаги жамиятга қарши қарашларни, одатлар ва анъналарга барҳам беришга доир қисмини ижро қилиш;
- 2) тақдимноманинг айбланувчининг онгига жамиятга қарши қарашларни, одатлар ва анъналарнинг шакллантирган турли ташки ҳолатларга барҳам беришга доир қисмини ижро қилиш;
- 3) тақдимноманинг шахснинг эгаллаган ўрни билан ҳамоҳангликда жиноий ҳаракатларни келтириб чиқарган вазиятларга барҳам беришга доир қисмини ижро қилиш;
- 4) тақдимноманинг жиноят содир этилишига ва уни яширилишига имкон берган шарт-шароитларга барҳам беришга доир қисмини ижро қилиш;
- 5) тақдимноманинг жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга йўл қўйганликда айбдор деб топилган шахсларни жавобгарликка тортишга доир қисмини ижро қилиш.

Гарчанд, олим тақдимноманинг ижросини ташкил қилишга доир масалаларни беш йўналишга бўлиб талқин қилган бўлсада, бироқ, уларнинг барчаси жиноят содир этилишининг субъектив ва объектив сабаблари, шароитлари тушунчалари билан қамраб олинганилигини яққол кўришимиз мумкин.

Бизнингча, айнан шу жиҳатлар инобатга олинган ҳолда тайёрланган тақдимнома жиноят сабаблари ва шароитлари тўғрисида ижрочи тўлақонли тасаввур ҳосил қилинишига кўмак беради.

Тақдимноманинг ижро этилиши ва унинг устидан назорат ўрнатиш масаласининг муҳимлиги жиноят процессига оид қонунчилик ривожланишини барча даврда ўзининг долзарбилигини сақлаган, ҳаттоқи назария ва амалиёт ҳам буни инкор қилмайди.

Айнан шу сабабли, 03.01.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Давлат божхона кўмитасининг “Жиноят иши юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қўшма кўрсатмасининг 18-бандида “суриштирув ва тергов органлари жойлашган ҳудуддаги давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан тақдимномаларда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши тақдимномани киритган суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳар чорак якуни бўйича ўрганиш амалиёти йўлга қўйилиши, ўрганиш давомида тақдимнома бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда бунга йўл қўйган мансабдор шахсни қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиш ҳақида назорат қилувчи прокурорга ёзма равишида таклиф киритиш” вазифаси қўйилган.

Айниқса, амалиётда назорат қилувчи прокурорлар томонидан тергов органлари фаолияти устидан прокурорлик назоратини ташкил қилишда тўпланган тажриба, билим ва қўникмалардан келиб чиқсан ёндашув мавжуд бўлиб, ҳар бир ҳолатда жиноят сабаблари ва шароитларини ҳақиқатда бартараф қилишга уринилган.

Бунинг учун, гарчанд жиноят-процессуал қонунчилиқда назарда тутилмаган бўлсада, жиноят сабаблари ва шароитларига доир тақдимноманинг жавобини олиш билан чегараланмасдан, ваколатли идоранинг тақдимноманинг ижросига доир хатда уни тасдиқловчи хужжатларни илова қилиш, тақдимноманинг муҳокамасида шу тақдимномани киритган терговчи ва прокурор иштирокига доир баённомани тақдим этиш, муҳокама жараёнида унда қатнашадиган аудиторияни кўрсатиш ва бошқа талаблар қўйиб келинган.

Бироқ, энг асосийси, киритилган тақдимнома ва хусусий ажримнинг ижро этилиши устидан назорат айнан ким томонидан амалга оширилиши ўзининг долзарбилигини сақлаб келган.

Тан олиш керакки, ҳам назарияда, ҳам амалиётда бу масаладаги муҳокаманинг предмети бўлиб тақдимноманинг ижро этилиши устидан назорат терговчи ёки прокурор томонидан амалга оширилиши масаласи ҳисобланади.

Зеленецкий В.С.нинг таъкидлашича, тақдимноманинг ижроси устидан назоратни амалга ошириши масаласи жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинмаганлиги сабабли уни прокурорлик фаолияти ҳамда тергов органлари ишини ташкил қилишга доир талаблар Бош прокурорнинг ва Ички ишлар вазирининг соҳавий буйруқларида акс этиши лозим.

Бироқ, бизнингча, тақдимноманинг ижро этилишига доир масаланинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш, айниқса, унинг ижроси жиноий таъқибни амалга оширувчи ваколатли идоралар фаолиятидан ташқаридағи субъектларга ҳам боғлиқ бўлганлиги сабабли жиноят-процессуал қонунчиликда тартибга солинган бўлиши керак.

Бунинг зарурати қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, терговчининг жиноятларни фош қилиш ва улар бўйича терговни ўтказиб, айборларга жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолияти жиноят сабаби ва шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир процессуал чораларни кўришга доир фаолияти билан аҳамияти жиҳатидан теппа-тенг бўлиб, бири иккинчисидан устувор мавқега эга эмас;

иккинчидан, муайян тоифадаги жиноят иши бўйича тергов тамомлангач, бу жиноятнинг сабаби ва шароитлари аниқланиб, уларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилган шу ҳудудда, шу соҳада ўхшаш жиноятлар содир этилмасдан, уларнинг олди олиниши жиноятчиликка қарши курашиш уни олдини олишдан бошланади деган тамойилга тўла мувофиқдир деб фикр юритишимиизга асос бўлади;

учинчидан, терговчи фаолияти самарадорлигини белгиловчи мезонлар қаторида унинг жиноят сабаби ва шароитлари тўғрисидаги киритган тақдимномаларнинг нечоғли натижа берганлиги бўлиш кераклиги давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларининг амалий ижроси бўлиб ҳисобланади.

Шу сабабли, Зеленецкий В.С.нинг “киритилган тақдимномадаги талабларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назорат фаолиятининг ҳаддан зиён кенгайтирилиши асосий вазифасининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади”, деган фикрига қўшилолмаймиз.

Чунки, терговчининг жиноят сабаблари ва шароитлари бартараф этишга доир вазифаси бошқа процессуал вазифаларидан кўра иккиласми даражада эмас. Юқорида баён қилинганидек, жиноятнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки уни олдини олиш давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг устувор йўналишларига айланиш керак.

Жиноят сабаблари ва унга имкон берган шарт-шаротларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритган терговчи томонидан мазкур тақдимноманинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тақдимноманинг ижроси давомида унда кўрсатилган талаблар ҳақиқатда ижро қилинганлиги, бу чора-тадбирларни рўёбга чиқариш орқали қriminogen омилларни йўққа чиққани устидан назоратни терговчигина самарали амалга ошира олади, чунки ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят сабаби ва шароитини аниқлаган терговчигина бошқалардан кўра, хусусан уни назорат қилувчи прокурордан кўра, бу масаланинг ичига кирган бўлади.

Бироқ, тақдимноманинг ижро этилиши жараёнида унда қўйилган талабларни бажаришга ваколатли бўлган идоранинг масъул шахси томонидан интизомсизликка ёки сохтакорликка йўл қўйилиши ҳолати аниқланган тақдирда шу мансабдор шахс ёки ваколатли идоранинг фаолиятида тегишли қонунчилик ижроси юзасидан текшириш ўтказиш ташаббуси билан прокурорга чиқишга терговчигина хақли бўлиш керак.

Бу билан, жиноят процессининг ушбу босқичида прокурор назоратини керак эмас деган фикрдан йироқмиз, аксинча, тақдимнома ижро этилиши жараёни терговчининг дикқат марказида, қонундан оғишиш ҳолатлари бўйича чоралар кўриш эса прокурор назоратида бўлиш керак.

Шу сабабли профессор Звирбуль В.К.нинг “терговчининг назорат функцияси тақдимноманинг кўриб чиқилганлиги ва қаноатлантирилганлиги тўғрисида хабарни олиш билан якунланади”, деган фикри амалиётдаги прокурор-тергов ходимларининг кенг муҳокамасига сазовор деб ҳисоблаймиз.

Тақдимноманинг ижро этилиши прокурорга юкланиши керак деган фикр илгари сурувчи олимларнинг “терговчи фаолият кўрсатаётган ҳудуд ёки соҳадан ташқаридаги мансабдор шахс, корхона, ташкилот, муассасага киритилганда терговчи томонидан амалга ошириладиган назоратнинг самарасизлиги яққол кўриниб қолади”, деган важлари ҳам, бизнингча, суд-тергов амалиётидаги ҳақиқий ҳолатга жавоб бермайди.

Чунки, жиноят-процессуал қонунчилик талабига кўра, терговчининг ваколат доираси буйсунувидан ва мулк шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассаса мансабдор шахсларига тадбиқ этилади.

Шу ўринда, гарчанд жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинмаган бўлсада, терговчи томонидан жиноят сабаби шароитларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома ижро этилиши устидан назорат тадбирлари амалга оширилганда, унинг процессуал расмийлаштирилиши қай тарзда амалга оширилиши ва унинг шакли қандай бўлиши тўғрисида табиий савол туғилади.

Профессор Зуйков Г.Г.нинг фикрича, тақдимноманинг ижро этилиши устидан назоратни таъминлашнинг қўйидаги шакллари ҳақида фикр юритиш мумкин:

-тақдимномада кўзда тутилган кўрсатмалар тегишли бандларини белгиланган муддатларда ижросини ташкил этиш ҳақидаги ёзма ёки оғзаки эслатмалар юбориш;

-тақдимномадаги кўрсатмалар ижросининг кетиши билан уларни бажариш учун белгиланган муддат давомида бевосита танишиб бориш;

-тегишли корхона ва муассаса вакиллари билан ҳамкорликда тақдимномада кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

-тақдимномаларда кўзда тутилган масалалар бўйича ташкил қилинган мухокамаларда иштирок этиш.

Бизнингча, тақдимноманинг ижроси бўйича ўтказилган назорат тадбирлари, хужжатларни талаб қилиш, ўрганиш, текшириш ва бошқалар далолатнома кўринишида расмийлаштирилиб, унинг шакли Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида назарда тутилиши лозим бўлади.

Қайд қилиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар назарда тутилиб, унга кўра ишни айлов хулосаси ёки айлов далолатномаси билан судга юбориш учун исботланиши мажбурий бўлган ҳолатлар қаторига жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари киритилган.

Мазкур нормада қўлланилган “сабаб” сўзининг рус тилидаги “мотив” сўзининг таржимаси ҳисобланиб, жиноятни келтириб чиқарган криминоген омиллар ҳақида сўз бормайди.

Бизнингча, юқорида таъкидланганидек, жиноят иши бўйича иш юритувга масъул ваколатли органлар олдига мажбурий исботланиши лозим бўлган предметлар қаторига “жиноят сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитни” киритилиши, судлар томонидан кўриб чиқиши учун келиб тушган ишлар бўйича қонуннинг бу талабига риоя қилинмаган тақдирда муносабат билдириш учун асос пайдо бўлади.

ХУЛОСА

Мазкур боб доирасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар доирасида қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин бўлади:

- жиноят иши юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари жиноят ишларини юритиш тартибига тааллуқли бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси доирасида тартибга солиши лозим;

- Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасига кўра, ишни айлов далолатномаси ва айлов хулосаси билан судга юбориш ҳамда айлов ҳукми чиқариш учун исботланиши талаб этиладиган ҳолатлар қаторига “жиноят сабаби ва унинг содир этилишига имкон берган шароитлар”нинг киритилмаганлиги жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар ва уларнинг мансабдор шахсларида жиноят сабаби ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларга исботлаш предмети сифатида қарамасдан, бунга иккинчи даражали масала сифатига ёндашишга асосий омил бўлиб қолмоқда;

- жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини олдини олиш борасида жиноят-процессуал механизм кўзда тутган Ўзбекистон

Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 6-бўлимида назарда тутилган моддалар таҳририни:

- 1) уларда жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ваколатли процессуал субъектлар доираси сўнгти йилларда қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва кўшимчалардан келиб чиқиб кенгайганлиги;
- 2) тақдимнома тузиш ва киритишнинг самарадорлиги ошириш зарурати келиб чиққанлиги;
- 3) нафақат тақдимноманинг кўриб чиқилиши натижаси бўйича хабар бериладиган муддат, балки уни кўриб чиқиши киришиш лозим бўлган муддат белгиланишга зарурат мавжудлиги;
- 4) тақдимноманинг ижро этилиши устидан терговчининг ҳамда унинг ижро этилиши натижасига тегишли муносабат билдириш масаласида прокурорнинг жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш заруратидан келиб чиқиб, қайтадан кўриш чиқиши лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
<https://president.uz/uz/1914>
2. Терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш бўйича раҳбарий топшириқ ва кўрсатмалар.Т., 2024 й., 149-бет
3. Казанджан М.А. Деятельность следователя по выявлению криминогенных обстоятельств и привлечению общественности к их устраниению. Министерство внутренних дел, Научно-исследовательский и редакционно-издательский отдел. Т, 1979., 15-бет.
4. Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги ТБда тергов қилинган жиноят ишларини ўрганиш натижаси бўйича тузилган маълумотнома.
5. Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан тергов қилинган жиноят ишлари;
6. Зеленецкий В.С. Предупреждение преступлений следователем. Х. “Вища школа». 1975. 142 бет.
7. Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан 2023 йилда тергов қилинган жиноят ишлари ҳужжатлари.
8. Зуйков Г.Г. Выявление в процессе расследования причин и условий, способствующих совершению преступлений и принятие мер к их устраниению. М., 1964. 56-бет.